*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

• 2009 йил 4 август • сешанба • № 33 (650) • e-mail: info@press-iq.uz • www.minjust.uz

## Истиқлол имконияти: жаҳонга йўл

**«Мустақиллик биз учун – ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир»**




Мустақиллик моҳияти

## Биз эккан ниҳоллар дарахт бўлмоқда

### гулламоқда, япроқ ёзмоқда, мева бермоқда




БУГУН юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг, бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Халқимиз ўзининг энг улуғ, энг азиз байрамига тайёргарлик кўрмоқда. Ҳар куни пойтахтимизнинг Яҳё Ғуломов кўчаси бўйлаб ишга келаман, Амир Темур хиёбони ёнида қад кўтараётган ҳашаматли бинони кўриб ҳайрат билан боқаман. Маҳобатли қурилишда минглаб қурувчилар туну кун тер тўкмоқда. Юқорига қарасангиз, дўппингиз ерга тушади. Бу буюк бобомиз Амир Темурнинг **"Агар бизнинг кудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг"**, деган сўзларининг яна бир исботидир.

Пойтахтимиз ҳам ўзининг 2200 йиллигини нишонлаш арафасида. Ҳар қадамда яратиш, бунёдкорлик ишларини кўриб, кўзинг қувонади. Мустақил юртимиз кун сайин чирой очаётганига шоҳид бўласан.

...Яқинда ўзим туғилиб ўсган Ғаллаорол туманидаги тоғлар орасида жойлашган Қоратош қишлоғида бўлдим. Қишлоқ қиёфаси тубдан ўзгарган. Биз 70-йилларда ўқиган пахсали эски мактаб ўрнида икки қаватли янги мактаб биноси қад ростлабди. Қадрдон устозларни кўрдим. Сочлари оппоқ, нуроний бўлиб қолишган.

2 →

Сайлов ва сайловчи

## Сайлов қонунчилиги такомиллашуви

### номзодлар ва сайловчилар манфаатини ҳимоя қилади

**МАЪЛУМКИ, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида демократия талабларига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига мос келадиган сайлов тизими яратилган бўлиб, бу тизим тадрижий равишда, мамлакатнинг демократик янгиланиши ва модернизацияланиши билан тенгма-тенг ривожланди.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИнинг 2008 йил 25 декабрдаги **"Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги Қонуни сайлов қонунчилигининг янада такомиллашувидан далолат беради.

Жорий йилнинг 1 июль кунидан кучга кирган ушбу қонун мамлакатимизнинг парламент фаолиятини ташкил этишда сиёсий партияларнинг ўрни ва таъсирини янада ошириш, сайлов тизими ва қонунчилигини янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш, сиёсий партияларнинг ваколатларини кенгайтириш ва фаоллигини кучайтириш мақсадларини ўз зиммасига олган бўлиб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси, 1-қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинди: "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат".

2 →

## МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА

**ПСКЕНТ ТУМАНИ прокуратураси томонидан "Инсон ва қонун" газетасида чоп этилган "Ранг кўр, ҳол сўр" сарлавҳали мақола юзасидан текшириш ишлари ташкил этилди.**

### "Ранг кўр, ҳол сўр..."

#### Газетада чоп этилган танқидий мақола тасдиғини топди

АНИҚЛАНИШИЧА, А.Дўстбеков ширкат хўжалиги тарқатиш комиссияси ихтиёрида бўлган омборхона ширкат хўжалигининг 2005 йил 12 октябрида тузилган хатлов далолатномасида баланс қиймати 6131173 сўм белгиланган.

Туман ҳокимининг 2005 йилги 9 ноябрдаги қарорига асосан ширкат хўжаликларини тугатиш комиссияси раиси ва аъзоларининг масъулиятсизлиги оқибатида омборхонанинг бир қисми номаълум шахслар томонидан талон-торож қилинган бўлиб, давлатга етказилган зарар 3802955 сўмни ташкил этган.

Туман прокуратураси томонидан мазкур ҳолат юзасидан 2009 йил 14 июль куни Жиноят кодексининг 207-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

**С.ХОЖАЕВ,**
**Пскент тумани прокурори**

### Кўча тўлиқ таъмирланди

#### асфалтлаш ишлари якунланди

**МИРЗО УЛУҒБЕК тумани ҳокимлиги томонидан Қизилсув кўчаси аҳолисининг кўча йўлларини таъмирлаб бериш тўғрисидаги аризаси ўрганиб чиқилди.**

ЎРГАНИШ натижасида ҳақиқатан ҳам Қизилсув кўчасида таъмирлаш ишлари ўтказиш зарурлиги аниқланди.



Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ободонлаштириш бўлими томонидан Қизилсув кўчаси бўйлаб асфалтлаш ишлари олиб борилди. Ҳозирда кўча тўлиқ таъмирланди.

**Р.ХОЖИЕВ,**
**М.Улуғбек тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари**

## Бугунги ёшлар: келажакка қўйилган қадам







*Муҳаммад АМИН (ЎзА) ва Дилмурод РУСТАМОВ олган суратлар*

**НЕЧА ЙИЛДИРКИ, 1 август ёшларимиз ҳаётида унутилмас кун бўлиб муҳрланиб келмоқда. Негаки, йиллар давомида олинган билимлар айни шу кунда сарҳисоб қилинади. Бу кунда синовдан муваффақиятли ўтиб олган ёшлар ўз келажаги сари дадил қадам қўяди.**

2009-2010 ЎҚУВ ЙИЛИДА олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабалар қабул қилиш учун ўтказиладиган тест синовларида қатнашиш учун ёшларимиздан 337115 та ариза тушган бўлиб, республика бўйича ўртача битта ўринга 5,88 ариза тўғри келди.

Бу йилда олий таълим муассасаларининг "Социология" таълим йўналишига талаб ва қизиқиш катта бўлиб, бу йўналишга битта ўринга 14,4 нафар абитуриент ҳужжат топширган.

Қабул квотаси бўйича энг кўп абитуриент Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиалида бўлиб, битта ўринга 11,88, Қарши Давлат университетида битта ўринга 10,84 та ҳужжат топширилган. Бу кўрсаткич Термиз Давлат университетида – 10,31, Андижон Давлат университетида 9,48, Наманган Давлат университетида – 9,3 тани ташкил этди.

Тест синовлари жами 347 та бино (Тошкент шаҳрида 96та) ва 9662 та аудиторияда (Тошкент шаҳрида 2947 та) ўтказилди. Ушбу жараённи 1513 нафар Давлат тест маркази вакили ҳамда 20398 нафар аудитория раҳбари ва кузатувчиси бошқарди.

Ҳадемай ғалвир сувдан кўтарилади. Ана шунда абитуриентларнинг сараги саракка, пучаги пучакка ажралади. Биз эса...

Биз эса умид билан олий ўқув юртларига киришни ният қилиб, тест синовларини топшириб чиққан барча абитуриентларга омад тилаб қоламиз.

Мустақиллик моҳияти

# Биз эккан ниҳоллар дарахт бўлмоқда

## гулламоқда, япроқ ёзмоқда, мева бермоқда

**(Давоми. Боши биринчи бетда)**

— Қирқ йилдан ошиқ мактабнинг нонини едим. Орзуим замонавий мактабда бир соат бўлсада, ўқувчиларимга дарс бериш эди, - дейди мактаб директори Тоштемир ака Валиқулов. — Ниятимга етдим. Давлатимизга, ҳукуматимизга минг раҳмат, ёшларни ўйлаб, шундай мактаблар қурмоқда. Дарс ўтаётганимда Мустақиллик — улуғ неъмат эканини, Ватан — юрак каби ягона эканини ўқувчиларимга бот-бот такрорлайман.

Дунёнинг ҳеч бир мамлакатида таълимга биздагидек эътибор берилмайди, десак муболаға бўлмас. Россиялик таниқли олим, Олий мактаб фанлари халқаро академияси президенти Валентин Шукшунов Ўзбекистондаги таълим тизимидаги ислоҳотлардан дунёдаги кўпгина мамлакатлар андаза олса арзийди, деганди.

Жорий йилнинг 17 июлида бўлган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида айтилган қуйидаги рақамлар ҳам москвалик олимнинг сўзларини тасдиқлайди. ...233 та умумтаълим мактаблари фойдаланишга топширилади. 196 та касб-ҳунар коллежи ва 18 та академик лицейни қуриш якунланмоқда. Улар янги ўқув йилига қадар фойдаланишга топширилади.

Бизга маълумки, 1997 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги **"Таълим тўғрисида"**ги Қонун ҳамда **Кадрлар тайёрлаш миллий дастури** таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларни улкан миқёсдаги ва узоқ муддатли дастурий фаолият сифатида оёққа қўйди. Бу соҳа ривожини давлат сиёсатининг энг устувор вазифалари даражасига кўтарди, Ўзбекистоннинг таълим-тарбия тизимидаги ўзгаришларни узлуксиз чуқурлаштириб бориладиган қатъий жараёнга айлантирди.

***

Юрт ҳақида ўйлаганингда, ёзганингда бехосдан Муҳаммад Юсуф ёдингга келаверади.

***О, ота маконим,***
***Онажон ўлкам,***
***Ўзбекистон, жоним***
***тўшай соянгга***
***Сендай меҳрибон йўқ,***
***Сенингдек кўркам.***
***Римни алишмасман***
***бедапоянгга.***

Юрт қадрини, Ватан қадрини бундан ортиқ ҳис қилиб бўладими? Фарзандларимизга ҳам бу ҳисни "юқтир"ишимиз шарт. Дунёда "Ўзбекистон" битта: уни ўзга юртлардан топиб бўлмайди. У юрак каби ягонадир. Орзулари армонга айланган улуғ бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий айтганидай: **"Ватан муқаддасдир. Қадрин билмоқ керак. Сотмасға ва ўлғунга айрилмасға керакдур..."**

***

...Қишлоғимизда Мамаражаб ака Бўрибоев деган ажойиб инсон бор. 30 йилдан ортиқ хўжаликда тракторчилик қилган. Гаплашсангиз маза қиласиз. Гапни ҳам салмоқлаб гапиради. Содда, самимий инсон. Ҳазилни ҳам жойига қўяди. Баъзан асабига теккан ёшларни ўзининг тили билан "кашта"лаб ҳам қўяди. Яқинда қишлоққа борганимда у киши билан суҳбатлашдим.

— Ука, менга қўлингни бер, - деди. Қўлимни маҳкам сиққанича гап бошлади. — Шу ёшга кириб, мен бундай замонни кўрмадим. Мана, ўзинг айт, туман марказидан 70-80 чақирим узоқдаги, тоғлар орасидаги қишлоққа табиий газ келади, деб ким ўйлаганди. Жоннинг роҳати. Яқинда туман ҳокимлигидан келишди. Сизларни тоза ичимлик суви билан таъминлаймиз, деб катта сув "башня"си қурилишини бошлашди. Хўжалигимизнинг марказида қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи қурилмоқда. Энди невараларимиз тоғлар ошиб 70-80 чақирим йўл босиб туман марказига бормайди. Буни, албатта, газетага ёзиш керак.

Бу оддий қишлоқ одамининг гапи. Унга баландпарвоз гаплар ёт. Борини дангал гапиради-қўяди.

***

...Дон мустақиллиги — бу нон мустақиллиги, дегани. Омборида дони, дастурхонида ўз нони бўлмаган халқ ҳеч қачон мустақил бўла олмайди. Инсоннинг тириклиги нон билан.

Бу йил мамлакатимиз биринчи бор қишлоқ хўжалиги тарихида 6 миллион 610 минг тоннадан зиёд улкан ғалла хирмонини бунёд этди. Бу рақамни келтириш осон. Лекин бу рақам остида минглаб деҳқонларимизнинг бедор тунлари-ю, пешона тери бор.

Деҳқоннинг кайфияти баланд. Энди у тўйлар қилади. Келин туширади, қиз чиқаради. Элга ош бериб, халқнинг фотиҳасини олади. Ҳовлиларга янги "Нексия", "Ласетти"лар келади. Бу ҳалол меҳнатнинг ва мустақилликнинг улуғ неъмати. Буни фуқароларимиз яхши билади.

Яқинда сурхондарёлик Худойшукур бобо деган 83 ёшга кирган оқсоқол билан танишиб қолдим. Ҳаёт синовларини кўрган отахоннинг гаплари дадил.

— Саккиз ўғил-қизни элга қўшдим, - дейди отахон. — Ҳаммаси олий маълумотли. Замондан айланай. Ҳеч нарсадан камимиз йўқ. Ҳажга бориб, ҳожи ота бўлиб келдим. Оиламиз билан фермермиз. Бу йил буғдой мўл бўлди. Даромад ҳам шунга яраша-да, ўғлим. Яқин кунларда "Ласетти" оламиз, - дейди отахон соқолларини силаб, ним табассум билан.

— Ёшлигингизда нима иш қилгансиз? - дейман отахонга.

— 50 йил далада ишладим. Пахта деб кунимиз ўтди-да. Айтаверсак гап кўп. Қани, энди ёш бўлиб қолсам, ёшларга меҳнат қилишни ўргатиб қўярдим, - дейди отахон.

Оилам билан фаровон яшайман, деган инсонлар учун ҳукуматимиз катта имкониятлар яратиб берди. Машина оласанми, икки қаватли уй қурасанми, марҳамат. Фақат ҳалол ишла, пешона тери эвазига пул топ.

Отахон ҳақ гапни айтди. Бугун деҳқон бойимоқда. Буни Юртбошимизнинг Ўзбекистон ғаллакорларига табригидан билсак бўлади: **"Энг муҳими, бу йилги етиштирилган мўл ҳосилнинг 3 миллион 800 минг тоннадан зиёди, яъни ярмидан кўпроғи бевосита фермер хўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида қолдирилгани, айрим туманларда бу рақам 60-70 фоизни ташкил этаётгани, деҳқоннинг омборлари донга, кут-баракага тўлиб бораётгани уларнинг ўз меҳнатидан катта манфаат топаётганининг амалий ифодаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз".**

***

...Миллатимиз тарихига назар соладиган бўлсак, у доим маърифатга, зиёга интилган. Оғир замонларда ҳам илм учун бор бисотини бахшида қилган ва ёруғ кунлар келишини кутиб, умид билан яшаган, ўз эътиқодларидан чекинмаган. Улуғ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий шундай дейди: **"Туркистон болаларини маърифатсиз қўйманг. Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур".**

Беҳбудийдек улуғ инсонларнинг кўпчилиги юртни озод кўришни орзу қилиб ўтиб кетди. Улар орзу қилган кун келди.

Юртдошларимиз миллат, Ватан дардида виждони уйғоқ яшамоқда. Дунёга юз тутмоқда. Ватан келажаги бўлган фарзандларига барча имконият эшикларини очиб бермоқда. Озодлик туфайли жаҳоннинг турли бурчакларида ўтаётган нуфузли халқаро анжуманларида **"Ассалому алайкум — Мен сизга тинчлик тилайман!"** дея Ўзбекистон номидан давлатимиз байроғини баланд кўтаришмоқда.

Ана шу сатрларни ёзаётганимда "Спорт" каналида бир хушхабарни эшитдим. "Ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов Испаниянинг Сан-Себастьян шаҳрида давом этаётган халқаро шахмат фестивалида дунёнинг машҳур шахматчиси Анатолий Карповни енгди", — деди. Фахрланмай бўладими, ахир!

Озод диёримизнинг байроғини баланд кўтараётган ўғил-қизларимиздан қанча фахрлансак оз. **"Булар — мустақиллик фарзандлари, менинг набираларимдир,** - дейди Президентимиз Ислом Каримов. — **Биз эккан истиқлол ниҳоллари бугун азим дарахтларга айланди. Улар кўзни қувонтириб, мана шундай ажойиб ҳосил бера бошлади. Буларнинг толеи, бахту иқболи ҳали олдинда. Она Ватанимиз каби фарзандларимизнинг келажаги буюкдир".**

Фарзандларимиз ҳеч кимдан кам эмас ва ҳеч кимдан кам бўлмайди ҳам. Бунинг учун юртимизда ҳамма шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Юртни озод кўриш дардида армон билан ўтган Абдулла Қодирий, Усмон Носир ва Фитрат каби илғор фикрли юрт фидойиларининг издошлари бор экан, она Ватанимиз тенглар ичида тенг бўлиб, керак бўлса Ўзбекистон манаман деган давлатлар билан барча соҳада рақобатлаша олади.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**






# Сайлов қонунчилиги такомиллашуви

## номзодлар ва сайловчилар манфаатини ҳимоя қилади

**(Давоми. Боши биринчи бетда)**

Шунингдек **"Сайлов тўғрисидаги қонунлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги Қонуни асосида яна 12 та қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Натижада, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланадиган депутатлар сони бир юз йигирма нафардан бир юз эллик нафарга ортди.

**"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"**ги Қонунда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига беш йил муддатга сайланадиган бир юз эллик депутатнинг бир юз ўттиз беш нафари ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан бевосита фуқаролар томонидан сайланиши, ўн беш нафари эса Ўзбекистон экологик ҳаракатидан мазкур ҳаракатнинг олий органи (Конференцияси) томонидан сайланиши белгилаб қўйилди.

Қонунчилик палатаси депутатлари сонининг ўттиз кишига ортиши ва улардан ўн беш нафарининг Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланиши пировардида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган депутатлар сони ҳам ортади. Бу эса қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятида самарадорликнинг ошишига, қонун ижодкорлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятнинг яхшиланиши учун кураш, аҳоли саломатлигини сақлаш масалалари бўйича профессионаллашувига хизмат қилади.

Сайлов қонунчилигидаги муҳим ўзгаришлардан яна бири Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари сайловида сайловчилар ташаббускор гуруҳлари иштирок этиши институти тугатилди.

Шу сабабли ҳам эндиги бўладиган сайловларда депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга бўлди. Бу норманинг ўрнатилиши сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини, аҳамиятини ҳамда масъулиятини янада оширишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда республикамизда тўртта сиёсий партия — **Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси** фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу партиялар мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида давлат органларининг шаклланиши ва фаолиятида муайян даражада иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг **"Сиёсий партиялар тўғрисида"**ги Қонунига мувофиқ давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишининг кафолати сифатида, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бермоқда.

Сайлов қонунчилигига **"Сиёсий партиянинг ваколатли вакили"** деган янги меъёрнинг киритилганлиги ҳам партияларга сайловда нафақат иштирок этиш, ўзаро назорат олиб бориш институтини вужудга келтирди. Сиёсий партиянинг ваколатли вакилига сайлов участкаларида овозларни санаш жараёнида қонун ҳужжатларига риоя этилишини бевосита кузатиб бориш ҳуқуқи берилди.

Бу институтнинг ўрнатилиши натижасида депутатликка номзод кўрсатган ҳар бир сиёсий партия томонидан овоз бериш ва овозларни санаш жараёнининг қонуний ва адолатли ўтишини бевосита кузатиб боришига ҳуқуқий асослар яратилди.

Шундай қилиб, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли бўлди.

Бундан ташқари, сайлов қонунчилигида сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини Марказий сайлов комиссияси томонидан текширилиши жараёнида ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилди.

Сиёсий партияларнинг сайловлардаги иштирокини осонлаштириш мақсадида уларнинг сайловларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун қўйилган талаблар енгиллаштирилди. Илгариги қонунчиликда сайловда қатнашиш учун 50 минг нафар сайловчининг овозини тўплаш зарур бўлган бўлса, амалга кирган янги қонунга мувофиқ ушбу рақам 40 мингтага ўзгартирилди. Бу билан сиёсий партияларга сайловларда янада фаолроқ иштирок этишлари учун имкониятлар яратилди.

Шунингдек, қонунчиликдаги сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида 6 ой олдин рўйхатдан ўтиши кераклиги тўғрисидаги талаб ҳам ўзгартирилиб, ушбу муддат 4 ой қилиб белгиланди.

Эндиликда сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган бўлиб, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Белгиланган намунадаги имзо варақалари сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади.

Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия қирқ минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоиз имзосини тўплаши мумкин.

Албатта, имзо тўплаш жараёнида қонун талабларига қатъий риоя қилиниши лозим бўлади. Имзоларни сохталаштириш, моддий манфаатдорлик ваъда қилиш ёки бошқа ноқонуний йўллар билан имзо йиғиш тақиқланади.

Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади. Қолаверса, имзоларни сохталаштириш қонунчиликда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликни ҳам келтириб чиқаради.

Маълумки, сайлов қонунчилигида Олий Мажлис депутатлигига номзод беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин эди. Янги қонунда депутатликка номзодларнинг вакиллари сони 10 нафаргача бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Бу янгилик натижасида номзоднинг манфаатини кўзлаб ташвиқот юритувчи, сайлов комиссияларида унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи кишилар сони кенгайди.

Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни қараб чиқиш тартиби ҳам янада такомиллаштирилди. Маълумки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, ҳокимиятнинг вакиллик органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан юқори сайлов комиссиясига ёки судга ана шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида шикоят билан мурожаат қилишлари мумкин эди. Янги қабул қилинган меъёрга мувофиқ шикоят берган шахслар шикоят кўриб чиқилишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, ушбу институт орқали фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирок этади. Бунда ҳар бир фуқаронинг овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги таъминланади.

Демак, мамлакатимизда яратилган қонунчилик базаси сайловларни адолатли, демократик ва қонуний ўтказилиши, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари таъминланиши, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун зарур шароитларни яратган ҳолда, эзгу мақсадлар йўлида демократик қоидаларни ўзида мужассамлаштирган.

**Абдукамол РАҲМОНОВ,**
**Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи**



Сайлов ва сайловчи

# Бу йилги сайловнинг яна бир жиҳати

## Экологик муаммоларни ўрганиш, уларни бартараф этиш, ечимини топиш ҳаётий заруратга айланди

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Конституциясида мамлакатимиз фуқароларига давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, шунингдек ҳар бир сайловчи бир овозга эга эканлиги, сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши белгилаб қўйилди.**

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар, деган конституциявий нормага мувофиқ, мамлакатимизда демократик тамойиллар асосида ташкил қилинадиган ва ўтказиладиган сайловлар фуқароларнинг давлат органларини тузиш ва уларнинг ишида амалдаги иштирокини таъминлайди.

**"Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонунга мувофиқ республика фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида иштирок этишлари орқали амалга оширилади.

Сайлов қонунчилигида Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланиши, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очиқ ҳамда ошкора амалга оширилиши белгиланди.

Шунингдек, экологик ҳаракатдан Қонунчилик палатаси депутатлари этиб сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар ҳам белгилаб берилган. Жумладан содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган, сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида мамлакатимиз ҳудудида муқим яшамаган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари ҳамда диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмасликлари кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон экологик ҳаракати олий органининг вакили Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар рўйхатини Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади. Марказий сайлов комиссияси томонидан тақдим этилган ҳужжатлар етти кунлик муддат ичида текшириб чиқилиши ва улар белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериши ҳам қайд этилди. Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва тегишли талаблардан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида Ўзбекистон экологик ҳаракати олий органининг вакилига белгиланган тартибда маълум қилиш белгиланди.

Сайлов қонунчилигини такомиллаштириш борасидаги мазкур ислоҳотлар ҳозирги вақтда ер юзидаги экологик ҳолат ёмонлашуви билан боғлиқ муаммолар бутун дунё ҳамжамияти диққат марказидаги энг муҳим масалалардан бири эканлигини эътироф этган ҳолда, юртимизда мавжуд экологик муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. Шу муаммоларни ўрганиш, уларни бартараф этишнинг ечимини топиш бугунги куннинг ҳаётий заруратига айланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг доимий равишда ислоҳ қилиб борилиши, ундаги нормаларнинг жаҳон андазаларига мос равишда шакллантирилиши Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий кафолатидир.

**Дилбаҳор ЯКУБОВА,**
**Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи**

Тарғибот

# Содда ва равон тилда

## ҳуқуқий меъёрларни тушунтириш зарур

**ТАФАККУРНИНГ сарҳади йўқ. Тафаккурнинг мезонлари бор: иқтисодий, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий... Ҳуқуқий тафаккур ҳуқуқий маданиятни яратади ва шакллантиради. Ҳуқуқий маданият эса қонунийликка суянади, таянади ва алалоқибат, демократик жамиятни таркиб топтиришга хизмат қилади.**

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2003 йил 27 августдаги қарори билан тасдиқланган **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида"**ги Низом ҳамда Олий Мажлиснинг **"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ҳам ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш, қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот моҳиятини очиб, давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича муайян вазифаларни ҳам белгилаб берди.

Конституциямизда мустаҳкамланган инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда қонун ҳужжатлари тарғиботи, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот бўйича маҳаллий давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида амалга ошираётган тадбирлари ҳам ана шундай мақсадга йўналтирилган. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятнинг туман-шаҳарларидаги маҳаллаларда, таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда ўтказилган 1339 та ҳуқуқий-тарғибот тадбирларига 40 мингга яқин иштирокчи жалб этилди.

Қолаверса, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ғоясини тарғиб этиш масаласи ҳам вилоят адлия бошқармаси жамоасининг доимий диққат марказида.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижросини мониторинг қилиш соҳасида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Тошкент вилояти бўлими билан ҳам ҳамкорлик меморандуми асосида тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Яқинда Бўка туманида ўтказилган фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги Қонун мониторинги ҳам ана шулар жумласидандир. Ушбу тадбирда фермер хўжаликларининг ҳам иштироки таъминланиб, уларга зарур ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Ҳуқуқий тарғибот самарадорлигини оширишда жойлардаги давлат ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар, ФҲДЁ органларининг ҳам ўрни беқиёс. Чунки улар бевосита фуқаролар ва кенг жамоатчилик орасида фаолият юритади. Бу эса амалдаги қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини аҳолига оддий ва халқчил тилда етказиб беришда таъсирчан аҳамиятга эгадир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, қонун ҳужжатларини кенг жамоатчиликка аниқ ва халқчил тилда етказишда ҳуқуқий тарғиботнинг ўрни ва роли муҳим эканлигини амалиётнинг ўзи кўрсатмоқда. Зеро, мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини фуқароларимизга тўғри ва аниқ ҳолда етказишда шу соҳа вакиллари бирдек масъулдирлар.

**Алишер ТЎРАЕВ,**
**Тошкент вилояти**
**адлия бошқармаси ходими**

# Тизим тадбирлари

## Соғлом турмуш тарзи

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2008 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 январдаги "ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро шаҳар "Осиё" телевидениесида "Соғлом турмуш тарзи ва ислом дини" мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

ТАДБИР доирасида инсоннинг жисмоний, маънавий ва руҳий соғлиғи, ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик, алкоголизм касалликларининг жамиятга салбий таъсири, оилада ёшларнинг тарбияси, виждон эркинлиги, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти ҳамда ёлғиз она ва оталикни белгилаш ҳолатларининг олдини олиш мавзуларида суҳбатлар бўлиб ўтди.

Келгусида бу борада ҳамкорликда қилинадиган ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан вазифалар белгиланди.

**Муҳаббат ҚЎШАЕВА,**
**Бухоро тумани ФҲДЁ**
**бўлими мудири**

## Барча бирдек масъул

**ЖИЗЗАХ шаҳридаги "Ёшлик", "Иттифоқ" маҳалла фуқаролар йиғинларида "Одам савдоси ҳамда диний экстремизм ва миссионерликнинг олдини олишга барчамиз масъулмиз" мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

ТАДБИРДА иштирок этган шаҳар ҳокимлиги, ИИБ, ФҲДЁ, нотариал идоралар ходимлари, МФЙ раислари, соҳага оид мутасаддилар миссионерлик, прозелитизм каби тушунчалар, экстремистик оқимларнинг зарарли таъсиридан ёшларни сақлаш, уларнинг маънавий тарбиясига барча бирдек масъул эканлиги хусусида фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди.

Жиззах шаҳар давлат нотариал идораси томонидан ташкил этилган мазкур семинар иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

**Акмал БОЙМАТОВ,**
**Жиззах шаҳар 2-сон давлат**
**нотариал идораси нотариуси**

Таққос

# Жазо тайинлашда

## жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳисобга олинади

**БАРЧА соҳада бўлгани каби суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам амалга оширилаётган асосий ўзгаришлар инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини кафолатлаш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИнинг амалдаги қонунчилиги жиноят учун жазо тайинлаш борасида бир қатор муҳим ва янги қоидаларни назарда тутади, шунингдек, муқаддам қабул қилинган жиноят қонунларидан жазо тайинлаш борасида қўлланиладиган асосий принциплар ва қоидалари жиҳатидан кескин фарқ қилади. Ушбу ҳолат республикамизда жиноятга оид сиёсатнинг тубдан ўзгарганлиги, жиноят учун жазо тайинлаш қоидаларини либераллаштириш борасидаги ислоҳотларни жадаллик билан амалга оширилаётганлигига бевосита боғлиқдир.

Жиноят кодексининг 58-моддаси, 1-қисми тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлаш қоидаларини назарда тутади. Унга кўра, суд тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилган ҳолда жиноятнинг оғир-енгиллигини, жиноий ният амалга оширилиши даражасини ва жиноятни охирига етказа олмаганлик сабабларини ҳам ҳисобга олади. Тамом бўлмаган жиноятлар шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ёки жиноят қилишдан ихтиёрий равишда қайтиш туфайли охирига етказилмай қолган жиноятлар бўлиб, жиноятга тайёргарлик ва суиқасд қилганлик тамом бўлмаган жиноятлардир.

Тамом бўлган жиноят таркибига нисбатан тамом бўлмаган жиноят таркиби бир-биридан фарқ қилиб, тамом бўлган жиноят фақат Жиноят кодексининг Махсус қисми билан, тамом бўлмаган жиноят эса Жиноят кодекси Умумий қисмининг 25-моддаси ва Махсус қисмининг муайян банди билан квалификацияланиб, жавобгар қилинади. Уларга нисбатан жазо тайинланганда суд жазо тайинлашнинг умумий қоидаларига қатъий риоя қилиши талаб этилади.

Хорижий мамлакатлар жиноят қонунларини ўрганиш шуни кўрсатадики, уларнинг кўпчилигида тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлаш қоидалари алоҳида белгиланган. Жумладан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 66-моддасига кўра, жиноятга тайёргарлик ва суиқасд қилганлик учун жазо тайинлашнинг алоҳида қоидалари мустаҳкамланган бўлиб, "жиноятга тайёргарлик учун жазонинг миқдори ёки муддати кодекснинг махсус қисмида тамом бўлган жиноят учун назарда тутилган оғирроқ жазонинг энг кўп муддати ёхуд миқдорининг ярмидан ошмаслиги керак", шунингдек, суиқасд қилганлик учун жазо миқдори ёки муддати кодекснинг Махсус қисмида тамом бўлган жиноят учун назарда тутилган оғирроқ жазонинг энг кўп муддати ёхуд миқдорининг тўртдан уч қисмидан кўпроқ бўлиши мумкин эмас"лиги таъкидланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, тамом бўлмаган жиноятлар учун жиноят содир қилган шахснинг айби ва қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда жазо тайинлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса мамлакатимизда олиб борилаётган жиноят-ҳуқуқи сиёсатини либераллаштириш қоидаларига бутунлай мос келади, деб ҳисоблаймиз.

**Фирдавс ШАМСИЕВ,**
**Самарқанд Давлат**
**унивеpтситети**
**талабаси**

Адлия аралашгач...

# Одам савдогарининг тузоғидан

## таҳқирланган кимсанинг топталган ҳуқуқлари тикланди

**ОДАМ САВДОСИ – инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, осойишталигига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик турларидан бири бўлиб, ўзининг чегара билмаслиги билан барчада ташвиш ва хавотир уйғотаётир. Шунингдек, ўз манфаати йўлида одам савдоси каби қабиҳ иш билан кимки шуғилланса, унга нисбатан жазо муқаррарлиги ҳам бот-бот уқтирилмоқда.**



БИРОҚ, "ўрганган кўнгил ўртанса қўймас" деганларидек, ҳалол пул топишга ўрганмаган нопок кимсалар томонидан айрим фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари поймол этилиши ҳоллари учрамоқда.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси аралашуви натижасида, "одам савдогарлари"нинг тузоғига тушган фуқаро А.Бегматовнинг топталган ҳақ-ҳуқуқлари тикланиб, манфаатлари ҳимояланди.

Жиззах вилояти, Пахтакор тумани Пангат қишлоғида яшовчи А.Бегматовнинг мурожаатида баён этилишича, у пойтахтимиз ҳудудида жойлашган "Гранд-Строй" Қозоғистон — Ўзбекистон қурилиш саноат ширкати ходимлари томонидан Қозоғистон Республикасига ишга юборилган. У ерда А.Бегматовнинг ҳуқуқлари поймол этилиб, оғир меҳнат шароитида бир неча ой маошсиз мажбурий тарзда ишлатилган.

Мазкур шикоят юзасидан текширувлар олиб борилганда, ҳақиқатан, "Гранд-Строй" Қозоғистон — Ўзбекистон қурилиш саноат ширкатининг ваколатхонаси А.Бегматовга 400 қозоқ тангаси қарздорлиги, шунингдек, "Гранд-Строй" ходимлари хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжудлиги аниқланди.

Аниқланган жиноий иш юзасидан адлия бошқармаси Тошкент шаҳар ИИББга таклиф киритди. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан киритилган таклиф асосида Чилонзор тумани ИИББ ТБ томонидан жиноий иш қўзғатилди.

**Шерзод ШАРИПОВ,**
**Тошкент шаҳар адлия**
**бошқармаси ходими**

Журналист суриштируви

# КОПТОК БЎЛГАН МУАММО

## ҳамон ҳавода муаллақ турибди...



Афанди боққа ўғирликка тушибди. Қорнини тўйдириб, қўйни-қўнжини ҳам тўлдириб, боғдан чиқаётса, боғбон келиб қолибди.

— Афандижон, бу нима қилганингиз, уят эмасми, – дебди боғбон.

— Ҳой, сен менга қара, – дебди Афанди. — Нега хотинингга ковуш олиб бермадинг?

Шуҳрат Раҳмонов ҳам Қашқадарё вилояти прокурори номига шикоят берганида иш чаппасига кетишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Раҳмоновлар уларни ойлаб оворai-сарсон қилган, қалбаки ҳужжатлар билан судларни чалғитган баъзи бир раҳбарларни ҳушёр торттириб, бир сўз билан айтганда, адолат устуворлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлишган эди.

Аммо... Келинг, яхшиси, воқеани бир бошдан келтирайлик. Шуҳрат Раҳмоновнинг турмуш ўртоғи Мавжуда Омонова олий тоифали акушер-гинеколог. Қарши шаҳридаги вилоят ташхис марказида гинекология бўлимини бошқаради. Мавжудахонни бу даргоҳга йўқлаб келувчиларнинг кети узилмайди. Унинг онаси Малика холанинг айтишича, муроди ҳосил бўлган фарзандталаб, дўхтир опадан шифо топганлар уни доим йўқлаб туришади. Бир куни шифо топган тадбиркор аёллардан бири дўхтир опага маслаҳат берди.

— Мавжудахон, сиз, яхшиси, хусусий тиббиёт маслаҳатхонасини очинг...

Мавжуда Омонова бундай фикрларни илгари ҳам эшитган, аммо қўли ишдан бўшамайди, қолаверса, қурилиш учун жой муаммоси, дегандек.

Ана шундай хаёллар билан юрганида бир куни узоқ қариндоши Минглар Равшанов эшик қоқиб келиб қолди.

— Уйимизнинг рўпарасида озроқ бўш жой бор, – деди Минглар ака. — Шуни олиб, бирон нарса қурсанглар. Баҳонада биз ҳам ишлик бўлиб қолармидик. Сизларга ҳам фойда-да, -деди салмоқлаб.

Минглар аканинг фикри меъмор эмасми, Шуҳратга ҳам маъқул тушди.

— Тўғри айтасиз. Илгари хаёлимизга келмаганини қаранг-а.

Эртаси куни Мавжуда Омонова Қарши-Шаҳрисабз йўли ёқасида жойлашган 600 квадрат метр захирадаги ерни унга расмийлаштириб беришларини сўраб, Қарши шаҳар ҳокими номига ариза ёзди. Ариза шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармасига кўриб чиқиш учун ўтказилди. Ўшанда 2007 йилнинг баҳори эди.

Мавжуда ариза натижасини билиш учун бошқарманинг ўша пайтдаги бошлиғи Зебо Жалилованинг қабулига кирди.

— Опа, сиз тиббий маслаҳатгоҳ қураман, – деб ёзибсиз. Яхшиси, аризада "Маиший хизмат ва ҳаммом" деб кўрсатинг. Шунда ишингиз осонроқ битади, – маслаҳат беришди, унга.

Бундай маҳкамаларга иши тушиб ўрганмаган аёл бунга ҳам рози бўлди. Кейин бошқарма мутахассислари ерни бориб кўришди, шаҳар бош режасига киритиб, ўлчаб беришди. Унгача ОАО "Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ"дан қурилишга мўлжалланаётган ер участкаси лойиҳа, норма талабларига тўғри келиши тўғрисида хулоса ҳам олинди. Сўнгра уларнинг қўлига шаҳар ҳокимлигининг ер участкаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижарага бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг далолатномасини тутқазишди. Бу нуфузли комиссия ҳокимнинг 5 октябрь 1998 йил 311-Ф фармойиши билан тасдиқланган бўлиб, унинг таркибига 11 та ташкилот киритилган эди. Яъни, мазкур ташкилотлар раҳбарлари ерни жойида кўришлари ва хулоса беришлари лозим эди. Шундай бўлди ҳам. Бу орада вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг экспертиза хулосаси олиниб, бошқармага тақдим қилинди. Бу жараён 2008 йилнинг февраль ойида бўлиб ўтди. Аҳамиятлиси шундаки, юқорида номлари қайд этилаётган ташкилот вакиллари ерни жойида бориб кўриб, сўнгра хулоса ёзиб беришган эдилар. Қарши шаҳар ҳокимлиги ҳуқуқшуноси Пирмат Аҳмедов ҳам захирадаги ерни бориб кўрди ва бу ҳақда хулоса берди.

Захирадаги ерни олишларига кўзлари етган Раҳмоновлар бу ерга бир машина тош ҳам тўкиб қўйишди. Кунлардан бир куни ердан хабар олиш учун борган Мавжуда кутилмаганда қизғин меҳнат устидан чиқиб қолди.

Ҳайрон бўлганча қурувчиларнинг нима қилаётганликларини сўради.

— Арслон ака бу ерда қўш қаватли уй қураяптилар, – дейишди қурувчилар.

Раҳмоновлар Арслон акани излаб топишди ва қўлларидаги ҳужжатларни кўрсатишди.

— Ерни Минглар Равшановдан сотиб олдим, – деди Арслон ака. — Ишонмасанглар мана, ҳужжатим.

Унинг қўлида "Қарши тумани халқ депутатлари Комсомол қишлоқ совети ижроия комитетининг 1988 йил июндаги 6/23-а қарорини тасдиқлаш тўғрисида"ги қароридан кўчирма бўлиб, иловада "исм-фамилиялари кўрсатилган гражданларга қишлоқларни бош планга мувофиқ 0,08 га миқдорида ер участкалари ажратиб бериш, совхоз ер тузувчиси қишлоқ советининг раиси ва район архитекторига топширилган"лиги қайд этилган эди.

Қашқадарё вилояти Давлат архивининг Бешкент филиали бошлиғи Э.Темировнинг имзоси билан мазкур ҳужжатда негадир 0,08 рақами ёнида 0,12 га миқдорида деб қўшиб ёзиб қўйилганлиги тажубланарли эди. Назаримизда ҳужжат сохтакорлигининг дебочаси шу ердан бошланган кўринади.

— Фақат бугина эмас, – дейди Шуҳрат. — Туман ижроқўми қарори иловасида келтирилган, ер берилиши лозим бўлган фуқаролар рўйхатида Бердиев Шуҳрат (Арслон Бердиевнинг акаси) ва 25-рақам билан Минглар Равшанов қўшиб ёзиб қўйилган экан.

Бу сохтакорликни Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг эксперт криминалистика бўлими аниқлади ва 24-, 25- тартиб рақамидаги шрифлар бошқа машинкада кейинчалик қўшимча қилиб чоп этилганлиги тўғрисида хулоса берди.

... Арслон Бердиев қурилишни тўхтатмади. Қарши шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармасининг огоҳлантириш хатлари, участка нозири А.Ёдгоровнинг огоҳлантиришларига ҳам парво қилмай қурилишни давом этираверди.

2008 йил 30 августда Мавжуда Омоновага Ер кодексининг 20-моддасига асосан Қарши-Шаҳрисабз йўлидан "Маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ва ҳаммом" қуриш учун 600 квадрат метр ер майдони ажратиш ҳақида Қарши шаҳар ҳокимининг қарори чиқди.

Аммо бу пайтда Арслон ерни девор билан ўраб олишга ҳам улгурган эди. Омонова шаҳар ҳокимлиги, архитектура ва қурилиш бошқармасига бу ҳақда хабар қилди. Огоҳлантиришлар самара бермагач, шаҳар ҳокими томонидан Арслон Бердиевнинг ноқонуний қурилишини буздиришни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Қарши шаҳар судига даъво ариза берилди. 2008 йил 26 декабрда даъво қаноатлантирилди. Суднинг ҳал қилув қарорида ноқонуний қурилишни мажбурий тартибда бузиш, Арслон Бердиевга бундан кейин бундай қурилишлар қурмаслик мажбуриятини юклаш ва ўз ҳисобидан бузиб ташлаш мажбурияти юклатилган эди.

— Суд қарори Арслон Бердиевга чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмади. Қурилишни давом эттираверди, – дейди Мавжуда Омонова.

Ноҳақликка чидай олмаган Омонованинг ўзи ҳам фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судига мурожаат қилди.

Судга чақирилган Арслон Бердиев қурилишдан тонди.

— Қурилиш меники эмас, Минглар Равшановники, мен унинг сўровига кўра иш бажарувчиман, холос – деди.

Масалага аниқлик киритиш учун оз эмас, кўп эмас судья Ўроқ Собировга накд 4 ой керак бўлди. Буни қарангки, ана шу вақт – суд давом этаётган пайтда Арслон Бердиев Қарши шаҳар кўчмас мулк кадастр хизмати томонидан Минглар Равшанов номига 17 январ 2009 йилда кадастр ҳужжатини тайёрлаб, уй-жойни рўйхатдан ўтказди. 23 январь 2009 йилда ҳужжат Арслон Бердиевнинг онаси Саида Бердимуродова номига расмийлаштирилди. Биринчи нотариал идораси давлат нотариуси Матлуба Кенжаева томонидан 2009 йил 22 январь куни олди-сотди шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилди. Таажубланарлиси шундаки, давлат кадастр ҳужжати 2009 йил 23 январда тасдиқланган, турар-жойнинг олди-сотди шартномаси 22 январда бажарилди. Савол туғилади. Нимага асосланиб, олди-сотди қилинди? Мазкур ҳужжатда уйнинг манзили Қарши шаҳар Худойзод маҳалласи, Қарши-Қамаши кўчаси, 10-уй деб кўрсатилган. Худойзод маҳалла фуқаролар йиғини раиси Умар Ҳайдаров эса ҳайрон. Чунки унинг маҳалласида бундай кўча ҳам, уй ҳам йўқ. Қолаверса, бундай исм-шарифли одамлар истиқомат ҳам қилишмайди. Бу ҳақда нафақат маҳалла фуқаролар йиғини раиси, балки Қарши шаҳар манзил маълумотлар идораси ҳам худди шундай маълумот берди. Тажжуб. Унда Қарши шаҳар ер мулк кадастр хизмати вакиллари ҳужжатни расмийлаштираётган пайтда эътиборларини кўпроқ нималарга қаратишди экан-а?!

— Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси бошлиғи Эрка Бўтаевнинг таъкидлашига қараганда, кадастр ҳужжати тайёрлаш учун Ер Кодексининг 31-моддасига кўра юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралари белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари ва таснифлари) тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейингина вужудга келади.

"Ушбу жойлар Қарши туманига эмас, Қарши шаҳар ҳудудига қарайди. Шаҳар бош режасига кўра ер тоифаси якка тартибда уй-жой қуриш учун эмас, балки нотураржой бинолари қуриш учун мўлжалланган. Ер участкасига бўлган ҳуқуқи рўйхатга олинмаган. Низоли ер майдонига Минглар Равшановнинг эгалик ҳуқуқи мавжуд эмас. Ер участкасининг чегаралари белгиланган ҳолда ўлчаб берилганлиги ҳақида бирон-бир ҳужжат ва давлат ордери йўқ. Ер участкаси эгалигини тасдиқловчи ҳужжат ҳам йўқ... – дейилади Эрка Бўтаев имзоси билан берилган хулосада.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Унда шаҳар ер мулк кадастр хизмати раҳбари Абдулла Азизов нимага асосланиб кадастр ҳужжати ва гувоҳнома берди? Буни қайта такрорлашимизнинг боиси шундаки, ишни фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди кассация инстанциясида кўриб, "Омонова Мавжудага ер Қарши шаҳар ер ресурслари ва кадастр бўлими томонидан ўз жойида белгилаб берилмаган ва ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилмаганлиги боис даъвогар Омонова Мавжудага, ушбу низоли ер майдонига нисбатан эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи вужудга келмаган. Бундай ҳолда низоли ер майдони юзасидан низолашиш бўйича судга даъво қилишга Омонова Мавжуда ваколатсиз ҳисобланади" деб топди.

Ўзингиз бундоқ ўйласангиз, мулоҳазали фикрлар пайдо бўлади. Ернинг ҳақиқий эгасига кадастр эгалигини тасдиқловчи ҳужжат берилмаса, суд ҳужжати йўқ, дея ерга эгалик ҳуқуқини тан олмаса... Бу ҳам бир нави... Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 4 ой кўриб ва ниҳоят, Мавжуда Омонова фойдасига чиқарган қарорини ҳам бекор қилди.

Юқорида Шуҳрат Раҳмоновнинг вилоят прокуратурасига берган аризасини келтирган эдик. Шуҳрат фуқаролик ишлари бўйича Қарши тумани судининг ҳал қилув қароридан минбаъд рози бўлган эди. Бироқ ҳужжат сохтакорликларига йўл қўйган, аммо уларга нисбатан бирон-бир чора кўрилмаганидан норизо бўлиб шикоят қилган эди. Чарх кажрафторининг ўйинини кўрингки, бугунги кунда қонуний равишда берилган ерларидан ажралиб қолишди.

"Вилоят прокуратурасидан ариза қонуний кўриб чиқиш учун Қарши шаҳар прокуратурасига ўтказилди, – деб ёзади Мавжуда Омонова, таҳририятга йўллаган аризасида. — Биздаги далолатномада Қарши шаҳар ер ресурслари ва кадастр бўлими бошлиғининг имзоси йўқ эканлиги аниқланди. Биз қайси ташкилот кўрсатилган бўлса, шундан ўтганмиз, дея минг ёлворсак ҳам қулоқ солишмади. Шаҳар прокурори, томонидан судга протест келтирилди. Аммо протестда на берилган сана ва на тартиб рақам кўрсатилган".

Қашқадарё вилояти архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Қурбонов ва Қарши шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи Мажид Назаровларнинг фуқаро М.Омоновага қурилиш учун ажратилган ер майдони амалдаги шаҳарсозлик талабларига амал қилинган ҳолда тўғри бажарилганлиги ҳақида берган хулосаси борлигига нима дейсиз?

Бироқ судда вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Саид Қодиров ушбу протестни рад қилди. Фуқаролик ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 3 март 2009 йилдаги қарорини кучда қолдиришни сўради.

Яқинда Мавжуда таҳририятга мени йўқлаб келиб қолди. Қўлида вилоят ер ресурслари ва кадастр бошқармаси мутахассисларининг Мавжудага ернинг қонуний равишда берилганлиги тўғрисидаги хулосаси. Хулосада ... комиссия таркибига Қарши шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати бўлими кейинчалик қўшилганлиги, фуқаро М.Омоновага ер тоифаси тўғри ҳисобга олиниб, 600 квадрат метр ер майдони тўғри ажратилганлиги қайд этилган эди.

— Дастлаб мендан шу ҳужжатни талаб қилишган эди, – дейди Мавжуда. — Энди эса назорат тартибида ёзилган даъво аризаси ва ушбу хулосани қабул қилишни рад этишаяпти.

Ҳа, яна бир гап. Омонованинг ерга эгалик ҳуқуқи фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди томонидан бекор қилингач, даъво аризаси Қарши шаҳар ҳокими томонидан берилибди.

— Аммо фуқаролик ишлари бўйича Қарши шаҳар судида ҳам ишни кўришни пайсалга солишди, – дейди ушбу фуқаролик ишида ҳимоячи бўлиб иштирок этаётган Неъмат Амирқулов. – Ахийри ишни кўриш учун фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига ўтказишибди.

Натижа нима бўлди, дейсизми?! Ҳозирча ҳеч нарса...

**Ойдин АНОРОВА,**
**"Инсон ва қонун"**
**мухбири**

Муҳим қўлланма

МАЪЛУМКИ, миллий қонунчилик тизимини яратиш борасидаги энг асосий вазифа мустаҳкам ва самарали қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш, уларни амалга татбиқ этишни таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқаро ва давлатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб бериш ҳамда уларни муайян тизимга келтиришдан иборатдир.




# Истиқлолимизнинг ҳуқуқий асослари тизими

ҚОНУНЧИЛИК жараёни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш, уларни рўйхатга олиш ва тизимлаштириш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Конституциямизнинг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Бизга маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тубдан янгиланди. Қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари асосан инсон манфаатларининг устуворлигини таъминлашга ва шу билан бирга, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ўзгаришларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилмоқда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзининг мақсад ва вазифалари, принциплари, таркибий қисмлари билан биргаликда мукаммал ҳуқуқий базани ташкил этади. Шу билан бир қаторда, қонун ҳужжатларини тизимлаштириш объектив зарурат бўлиб ҳисобланади. Буни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тизими тўплам шаклида тайёрланиб, чоп этилди.

Ушбу тўпламга 1989-2009 йилларда Олий Кенгаш ва Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси қўшилган (ратификация қилган) халқаро кўп томонлама ва икки томонлама шартномалар тизимли тарзда киритилган.

Ушбу тўпламнинг тайёрланиши нафақат амалий эҳтиёж, қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**ги Қонунининг 33-моддаси ижросини таъминлашга ҳам хизмат қилади десак, муболаға бўлмайди. Чунки, ушбу модда талабига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат томонидан ҳисобга олиш бундай ҳужжатларни марказлашган тарзда йиғиш ва рўйхатга олишдан, уларнинг фондларини ҳамда бу ҳужжатлар ҳақидаги марказлашган ахборотларни яратиш ва назорат ҳолатида сақлаб туришдан иборатдир.

Шу сабабли, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олишда нафақат уни йиғиш ва рўйхатга олиш, энг муҳими, уларни назорат ҳолатида сақлаб туриш, амалиётда қўллашнинг муҳим гаровидир. Тўплам Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тизимли равишда ўрганиш натижасида тайёрланди.

Мазкур тўплам олти қисмдан иборат бўлиб, унинг ҳар бир қисми маълум мезонлар бўйича ажратилган. Тўпламнинг биринчи қисмида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Олий Мажлиси томонидан 1989-2009 йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари Рўйхати киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 1989-2009 йиллар мобайнида қабул қилинган амалдаги қонунлари Рўйхати деб номланувчи иккинчи қисмида эса 1989 йилдан то 2009 йилга қадар қабул қилинган ва бугунги кунда амалда бўлган қонунларнинг рўйхати нашр манбаларини, ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини кўрсатган ҳолда келтирилган. Тўпламнинг учинчи қисмида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларни ратификациялаш, уларга қўшилиш ва уларни денонсация қилиш тўғрисидаги қонунлари рўйхати келтирилган. Ўзбекистон Республикаси қўшилган (расмий тасдиқлаган) халқаро кўп томонлама шартномалар рўйхати тўпламнинг тўртинчи қисмида ўз ифодасини топган бўлиб, бунда фақатгина Ўзбекистон Республикасининг МДҲ доирасида қабул қилинганлардан ташқари шартномалар рўйхати назарда тутилган. МДҲ мамлакатларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган икки томонлама шартномалар рўйхати тўпламнинг бешинчи қисмида келтирилган. Тўпламнинг олтинчи қисмида эса МДҲ мамлакатлари билан икки томонлама Шартномалари ва бошқа қўшма ҳужжатлари рўйхати киритилган.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида тайёрланган мазкур тўплам қонунчилик жараёни ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари, илмий-тадқиқот ишларини олиб борувчилар, аспирантлар, магистрлар ҳамда кенг жамоатчилик учун фойдали қўлланма бўлади деган, умиддамиз.

**Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ,**
**юридик фанлари доктори, профессор.**

# "Обуна — 2010"

**ҲАР БИР нашрнинг ўз олдига қўйган муайян бир мақсади бўлади. Жумладан, Сиз азиз газетхонга доимий ҳамроҳ бўлиб келган "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасининг ҳам ўз вазифаси ва газета жамоасининг аниқ мақсад-муддаоси бор. Хўш, улар нималарда намоён бўлади?**



МУҲТАРАМ Президентимиз кўрсатмалари асосида Адлия вазирлиги раҳбарияти кўмагида вазирлик нашри – **"Инсон ва қонун"** ҳуқуқий газетаси ўз олдига халқимиз орасида кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб боришни асосий мақсад қилиб қўйган.

Вазирлик раҳбариятининг бевосита ёрдами билан газетамиз имкониятлари тобора кенгаймоқда, энг муҳими, фуқаролар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида таъсирчан йўлни танлай билдик — кузатиб, ўқиб бораётган бўлсангиз, одамларга яқин, равон, содда услубда, ўқувчи юрагига, кўнглига етиб борадиган, барчага бирдай тушунарли тилда ёзилган мақолаларга кенг ўрин берилмоқда.

**"Инсон ва қонун"** даладаги деҳқон, яйловдаги чўпон, дастгоҳ ёнидаги ишчи, қурувчи, мактаб партасидаги ўғил-қизимиз, шифокор, мураббий, барча касб эгалари ўз саволига жавоб топадиган, бемалол халқона тилда мулоқотга киришадиган нашрга айланиши учун ҳаракат қилаяпмиз.

Таҳририятга оддий инсонлардан ҳар куни кўплаб мактублар келаяпти, ҳеч бир хат тақдирига бефарқ эмасмиз. Бу хат ва аризаларнинг айримларини тегишлилигига кўра, қонун доирасида ваколатли идораларга жўнатаяпмиз, улардан жавоблар олаяпмиз, хат муаллифларига ҳуқуқий тушунтиришлар берилмоқда, баъзи мактублар асосида журналист суриштирувлари ўтказилмоқда, мақолалар эълон қилаяпмиз.

Биз сиз билан 2010 йилда ҳам ҳамкор ва ҳамнафас бўлиш ниятидамиз. Шу мақсадда янги 2010 йил учун обунани бошлаб юбордик. Ўйлаймизки, **"Инсон ва қонун"** келаси йил ҳам сизнинг хонадонингизга кириб бораверади. Бунинг учун ҳозирдан яқин ҳамсуҳбатингиз **"Инсон ва қонун"**га 2010 йил учун обуна бўлишни унутманг.

**Нашр кўрсаткичи – 137**

Табиат ва инсон

# Чинорлар кесилиб, ерлар ўзбошимча эгаллаб олинган...

## Туман прокуратураси аралашуви билан хўжасизликка чек қўйилди

**ЕР ЮЗИДАГИ жамики тириклик учун ўсимликлар дунёси ҳаёт-мамот масаласи эканлигини мактаб ўқувчиси ҳам яхши билади. Негаки, ҳаёт учун энг бирламчи зарурат бўлмиш ҳаво билан сув ўсимликларсиз ҳосил бўлмайди. Биз нафас оладиган кислород дарахтларнинг ям-яшил баргларида "туғилади". Демак, ўрмонлар, энг аввало, мусаффо ҳаво манбаи.**



КИТОБ ТУМАНИ прокуратурасига "Башир" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида кўп йиллик чинорларнинг ноқонуний равишда кесилаётганлиги тўғрисида маълумот келиб тушди. Ушбу маълумотномада ҳудуддан оқиб ўтувчи Қашқадарё дарёси муҳофаза зонасида ўсиб турган ноёб дарахтлар турига киритилган чинорлар хўжасизларча кесиб кетилаётгани, дарё муҳофазаси зонаси ҳисобланган ҳудудлар ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани кўрсатилган.

Таҳлил жараёнида "Башир" қишлоғида яшовчи фуқаро Ғ.Ҳайитов 15 сотих ер майдонини ноқонуний эгаллаб олиб, 2 туп чинорни ўзбошимчалик билан кесиб, давлатга 302 минг 832 сўмлик зарар етказганлиги аниқланди. Шу қишлоқда яшовчи фуқаро Ў.Раҳимов 1 туп чинорни кесиб, 235 минг 532 минг сўмлик зарар етказган.

Фуқаро Ш.Муродов эса 2 туп чинорни кесиб, ҳар бири 4 метр узунликда 6 та бўлакка ажратиб уйининг олдига мебель ясовчи усталарга сотиш учун таҳлаб қўйган. Унинг бу ўзбошимчалиги оқибатида ўсимлик дунёсига 474 минг 072 сўмлик зарар етган.

Шунингдек, Д.Холов ва О.Турсунов 10 сотихдан ер майдонини ноқонуний эгаллаб олгани етмагандек, 1 тупдан чинорни кесиб, ўтин сифатида фойдаланишган.

Э.Одинаев, Б.Эсановлар ҳам ҳамқишлоқларидан "ўрнак" олишган.

Бу ҳали ҳолва экан. Шу қишлоқда яшовчи Қ.Шеров 12 сотих ер майдонини ноқонуний эгаллаб олиш билан бирга 5 туп чинор кесиб, ўсимлик дунёсига 2 миллион 355 минг 360 сўмлик зарар етказганига нима дейсиз.

Текширишдан сўнг фуқаролар Ш.Муродов, Ў.Раҳимов, Э.Одинаев, Ғ.Ҳайитов, Д.Ҳолов, О.Турсунов, Қ.Шеров ва Б.Эсановларга нисбатан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилиб, ўсимлик дунёсига етказилган 4 миллион 172 минг 548 сўмлик зарарни ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Қуръони каримнинг "Фурқон" сурасида **"Аллоҳ ҳамма нарсани яратди ва ўлчовини мукаммал қилди"** (2-оят) дейилади. Бошқача қилиб айтганда, биосферадаги ҳар бир нарса — сув, тупроқ, ҳаво, тоғ, ҳайвонот, наботот ва кичик жонзотлар муайян ўлчов билан боғлиқ мутаносиб ҳолда яратилган. Шундай экан, табиатнинг бизга инъом этилган бебаҳо бойлигини асраб-авайлайлик ва ҳайвонот ҳамда наботот дунёсини келажак авлодларга бешикаст етказайлик.

**Баҳодир ЭРКАЕВ,**
**Китоб тумани прокурори**

Текширув

**АКМАЛ ўзи келтираётган моллари "анчагина ташлаши"ни хомчўт қилаётган бир пайтда у келаётган "Тошкент — Бухоро" йўналишида қатновчи автобус "Сармижон" йўл-патрул хизмати масканида Ғиждувон тумани давлат солиқ инспекцияси "Қисқа муддатли текширишларни ўтказиш" шўъбаси томонидан тўхтатилди.**

# Сифатсиз дорини сотган тадбиркор

## текширув чоғида танг аҳволда қолди

ТЕКШИРИШ чоғида унинг сумкалари назоратдан ўтказилиб, уларда Хитойда ишлаб чиқарилган кирим ҳужжатларисиз, божхона юк хати ва рухсатномасисиз 99 флакон, умумий баҳоси 2949 АҚШ доллари қийматига тенг таблетка (капсула)лар ва "N 1000" флаконли 4 та умумий баҳоси 120 минг сўмлик капсулалар борлиги аниқланди.

Энг ачинарлиси, ҳеч қандай ҳужжатсиз ва сифат сертификатисиз инсон саломатлигига нафидан кўра зарари кўпроқ тегиши мумкин бўлган бундай дори-дармонларни келтириб сотиш наҳотки тадбиркор йигитнинг виждонини қийнамаса?



Текшириш давомида аниқланган ҳолат бўйича тўпланган ҳужжатлар тегишли тартибда расмийлаштирилди ва далилий ашё сифатида олинган ноқонуний дори-дармонлар Ғиждувон тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан вақтинчалик олиб қўйилди.

**Жамол ҲАМРОЕВ,**
**Ғиждувон тумани ДСИ бошлиғи**

Луқма

# Даллолми, ҳаммолми?

## Бозордаги юлдузни бенарвон ураман деган учарлар ҳақида режалаштирилмаган репортаж

**ҚИЗИҚ ХАЛҚМИЗ. Ёз келди дегунча ўзимизни қурилишга урамиз. Хоҳлаган ўзбек маҳалласини бир оралаб кўринг. Бирор-бир соя-салқинда ёнбошлаб ётган инсонни учратмайсиз. Бирови том ёпган, бирови девор суваган, яна бирови эшик ромини бўяган. Хуллас, ҳамма нима биландир банд.**



ЯҚИНДА камина ҳам уйнинг кам-кўстини тузатишни ният қилиб, бир-икки шу соҳага яқин биродарлар билан маслаҳат қилган бўлдим. Устачиликдан хабардор укалар айтишдики, қурилиш моллари керак бўлса, Паркент ихтисослашган бозоридан маъқули йўқ экан...

Ана бозор-у, мана бозор. Йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Чўнтак кўтарса бас. Бир дақиқада истаган нарсани харид қилишингиз мумкин. Фақат...

Фақат Паркент ихтисослашган бозорида янги "ихтисослашган" касб эгалари пайдо бўлибдики, ана шу ихтисослашган ҳожатбарорлар киши кўнглини андаккина хира қилгани ёмон экан.

Бу бозорга бир марта бўлса-да, оралаганлар уларни яхши танишса керак. "Бисмилло", деб бозор дарвозасидан киришингиз билан сизни бир гуруҳ қўллари кўксида йигитлар "ассалому алайкум", деб кутиб олишади. Нима истаб келганингизни суриштириб, овора бўлмаслигингиз учун ўзлари олдингизга тушиб, керакли жойга бошлаб боришади. Энг қизиғи, улар бу беминнат хизматлари учун сиздан бирор тийин ҳам умидвор бўлишмайди.

"Хўш, бунинг нимаси ёмон", дейсизми?

Биз ҳам аввалига шундай ўйлаган эдик. Бозор айланиш жараёнида тушундикки, хато қилган эканмиз.

Хуллас, биз беминнат ҳожатбарорлар деб ўйлаганимиз, аслида юлдузни бенарвон урадиган "учар"лар экан. Чунки улар бозорда михдан тортиб бўёққача, тахтадан тортиб оҳаккача, гапнинг қисқаси, ҳамма-ҳамма нарсанинг нархини ёд билишади. Ва сизга дўкондаги қурилиш материалини фалон сўмга пуллашга ҳаракат қилишади.

"Нега ўша керакли нарсани ўзингиз ола қолмайсиз", дейсизми?

Бунинг иложи йўқ. Чунки "ихтисослашган ҳожатбарорлар" сизни бир қадам ҳам ёлғиз қўймайди. Дўкондорлар билан савдо қилишингизга ҳам йўл беришмайди. Худдики, мол бозоридаги даллолдек қўлингиздан маҳкам тутиб, айтганини ўтказишга ҳаракат қилишади.

Анча-бунча ғавғо-ю, жанжаллар билан улардан қутулиб, бир-икки дўкондор билан мулоқот қилишга эришдик. Уларнинг сўзидан билганимиз шу бўлдики, "ихтисослашган ҳожатбарорлар" мол бозоридаги даллоллардек харидордан эмас, аксинча сотувчилардан фойда олишар экан. Дейлик, сотувчининг уч сўмлик молини тўққиз сўмга ўтказгач, фойдага шерик бўлишади-да. Лекин сотувчиларнинг айтишича, айнан "ихтисослашган ҳожатбарорлар" туфайли Паркент ихтисослашган бозорида қурилиш молларининг нархи кундан-кунга ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида харидорларнинг камайиши, савдонинг сусайишига олиб келади. Бозорда нарх-навонинг сунъий равишда оширилиши нафақат харидорнинг чўнтагига, балки давлат манфаатига ҳам жиддийгина зарар келтиради.

"Бу ғавғолардан бозор маъмуриятининг хабари бормикан", дейсизми?

Биз ҳам бозор катталарига учраб шу саволни бермоқчи эдик. Лекин ўйлаб кўрсак, савол беришнинг ўрни эмас экан. Чунки биз бир мартагина бозор оралаб гувоҳ бўлган воқеани кўрмаслик ёки эшитмасликнинг иложи йўқ. Шундай экан...

Келинг, хулоса қилишга шошмасдан режалаштирилмаган репортажимизга шу ерда нуқта қўя қолайлик. Балки биз бирор хулосага келгунга қадар бозор маъмурияти "ихтисослашган ҳожатбарорлар" фаолиятига чек қўйиб қолар. Балки...

**Ислом ҲАМРО,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

ТУЗАТИШ

2009 йил 14 июль сонида газетанинг тўртинчи саҳифасида чоп этилган «Тошкент вилояти адлия бошқармаси Пскент туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идораси нотариуси лавозимига танлов эълон қилади» жумласидаги «Пскент» сўзи «Паркент» деб ўқилсин.

Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари ҳамда касаба уюшмаси аъзолари Чироқчи туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус **Найман СУЯРОВ**нинг вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897
Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимбергановпч
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич
Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-715. Тиражи — 13718. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00 [t] — тижорат мақола.
МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz
1 2 4 5